

Қиз боланинг пешоби теккан нарса ювилади



16:00 / 28.06.2019 4731

(Йигирма биринчи суннат)

Абу Самх розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қиз боланинг пешоби** (теккан нарса) **ювилади. Ўғил боланинг пешоби** (теккан нарсага сув) **сепилади»**, дедилар».

Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Самх розияллоху анхунинг айтишларича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ғул қилмоқчи бўлсалар, «Мени тўсиб тур», дер эдилар. У киши орқаларини ўгириб, тўсиб турар эдилар. Бир куни Ҳасан ёки Ҳусайн розияллоху анхумолардан бирлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўксиларига бавл қилиб юборган. Шунда Абу Самх

розияллоҳу анҳу ўша жойни ювиб ташламоқчи бўлганларида Расули Акрам ушбу ҳадисни айтганлар.

Уламоларимиз «Қиз боланинг пешоби ювилишига сабаб, унинг пешоби қуюқ бўлиб, теккан жойига ёпишиб қолади, ўғил боланика эса ундай эмас», дейдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан